

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

2-2017
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

А.Қ.ЎРИНОВ, М.М.АБДУМАННОПОВ

Интеграл оператор қатнашган дифференциал тенглама учун интеграл шартли масала 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

К.ОНАРҚУЛОВ, А.ЮЛДАШЕВ, Т.АЗИМОВ, Ш.ЙЎЛДОШ ҚОРИ

Висмут-сурма теллурид юпка пардаларнинг электрофизик хоссаларига технологик жараённинг таъсири..... 9

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Х.НИЯЗОВ, Ж.КУРБАНОВ, А.Х.ХАИТБАЕВ, Г.И.МУХАМЕДОВ

Саноат чиқиндилари ассида интерполимер композитлар олиш 13

М.М.НУРМАТОВА, Н.ИСМОИЛОВ, Ш.Ш.ТУРҒУНБОЕВ

Катионит КУ-2-8 иштирокида 4-метилфенолни α -фенилэтилспирт билан алкиллаш 19

Ш.МУХИДИНОВА

Ташқи муҳит ва мактабгача таълим муассасалари объектларида санитар-гельминтологик текширувларнинг таҳлили 21

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

М.ИСАҒАЛИЕВ, Г.ЮЛДАШЕВ, С.СОЛИЕВА

Бўз тупроқларда изеннинг биогеокимёвий хусусиятлари 24

Г. ЮЛДАШЕВ, Г.СОТИБОЛДИЕВА

Тупроқ ҳосил бўлишининг энергия манбалари 29

О.АБДУҒАНИЕВ, М.ДЕХҚОНБОЕВА

Геокомплексларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик тамойиллари 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

М.АДҲАМОВ, С.ИСМОИЛОВА

Ўрта ёшдаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш муаммолари ва ечимларига бир назар 38

А.МИРЗАЕВ, А.АСРАҚУЛОВ, С.ХАЗРАТҚУЛОВ

Иқтисодиётни тартибга солишда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш ва уларнинг таҳлили 41

ФАЛСАҒА, СИЁСАТ, ТАРИХ

И.М.АРЗИМАТОВА, И.Э.ЭРКИНОВ

Шахс камолотида ижтимоий омилларнинг ўрни 46

А.САЛМОҒОНОВ, Д.ЮСУПОВ

XX асрнинг 50-60 йилларида ислом муассасалари фаолиятини совет ҳокимияти томонидан чеклаш сиёсати ва унинг оқибатлари. (Фарғона вилояти мисолида) 50

А.АШИРОВ, Ҳ.РАҲМАТИЛЛАЕВ, И.АБДУҲАМИДОВ

Ўзбек халқи этнографиясини ўрганишда ўчмас из қолдирган олима 53

Б.УСМОҒОНОВ

Фарғона водийсининг Амир Темура давлати таркибига киритилиши 56

М.ИСОМИДДИНОВ, У.МЕЛИҚЎЗИЕВ

Зарафшон воҳаси деҳқон жамоалари ва чорвадорлар маданиятларининг ўзаро алоқалари 60

ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРНИ БАҲОЛАШ ВА УЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

А.Мирзаев, А.Асракулов, С.Хазраткулов

Аннотация

Мақолада миллий иқтисодиётни тартибга солишда молиявий кўрсаткичларни баҳолаш услубиёти назарий жиҳатдан ўрганилган ҳолда аниқланган кўрсаткичларни таҳлил қилиш асосида услубий таклифлар берилган.

Аннотация

В статье представлены методические рекомендации, разработанные на основе анализа показателей, выявленных в процессе теоретического изучения методики оценки финансовых показателей в регулировании национальной экономики.

Annotation

In the article developed recommendations for the updating methodology for assessing the financial indicators in the settlement of the national economy developed guidelines on the base of the theoretical research.

Таянч сўз ва иборалар: миллий иқтисодиёт, иқтисодиётни тартибга солиш, давлат бюджети, давлат бюджети даромадлари, давлат бюджети харажатлари, молиявий ресурслар, молиявий кўрсаткичлар.

Ключевые слова и выражения: национальная экономика, регулирование экономики, государственный бюджет, доходы государственного бюджета, расходы государственного бюджета, финансовые ресурсы, финансовые показатели.

Key words and expressions: national economy, regulation of the economy, state budget, revenue of state budget, expenditure of the state budget, financial resources, financial indicators.

Бозор муносабатларига ўтилиши ва давлат бошқарувининг демократик тамойилларини шакллантириш асосларидан бири бўлган иқтисодиётни тартибга солишда макро ва микро даражадаги молиявий ресурслар оқимларининг барқарор механизмларини шакллантириш долзарб аҳамият касб этмоқда. Молиявий ресурслар оқимларининг мувофиқлаштириш иқтисодиётни ривожланишининг ўзаро нисбийлигини ва тенглигини таъминлайди, иқтисодиётнинг турли секторлари ва соҳалари ривожланиши ва самарали ишлашини яхшилайди. Бу эса бюджет даромадлари ва харажатларининг мувофиқлигига олиб келади.

Бюджет – мураккаб иқтисодий категория ҳисобланади. Чунки унинг моддий асосини кенгайтирилган ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилади. Бюджет соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида биринчи даражадаги вазифа – ҳатто ҳар қандай кучли ижтимоий ҳимоя тизимларини шакллантиришга йўналтирилган бюджет сиёсатида ҳам унинг моддий мазмунини ўзида акс эттирувчи тақрор ишлаб чиқариш нисбатлари бузилишига салбий таъсир этмаслигининг

таъминланишидир. Акс ҳолда асосланмаган бюджет сиёсати натижасида ишлаб чиқариш жараёнида номутаносибликлар юзага келади ва охир-оқибат, давлат бюджети даромадлари шаклланишида ҳам муаммолар пайдо бўлади.

Кейинги йилларда амалга оширилган ислохотлар натижасида давлат молиясининг барқарорлиги қузатилди ва унда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга бўлди:

- янги таҳрирдаги Солиқ Кодексининг қабул қилиниши солиқ тизимининг ҳуқуқий мақомини янада такомиллашувини таъминлади;

- солиқ юкини янада қисқартириш ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштирилиши натижасида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берилди;

- кучли ижтимоий ҳимоя тизимини шакллантириш ва унинг барқарор молиявий таъминлаш манбаларини шакллантиришда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларининг алоҳида аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда давлат бюджети харажатлари таркибида ижтимоий-маданий тадбир харажатлари ва аҳолини

А.Мирзаев – ФарДУ иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси.

А.Асракулов – ФарДУ иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси.

С.Хазраткулов – ФарДУ иқтисодиёт кафедраси ўқитувчиси.

ижтимоий ҳимоялаш харажатлари устивор аҳамият касб этди. Натижада аҳолининг турмуш даражасини ва даромадларини изчил ошириш, иш ҳақи, стипендия, ижтимоий нафақа ва пенсия миқдорининг инфляция даражасидан юқори миқдорда кўпайтириш йўли билан фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилди;

- давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимини жорий этиш орқали унинг касса ижросини ягона стандартлар ва тартибларга мувофиқ самарали ижроси таъминланмоқда;

- тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг ташкил қилиниши реал секторнинг таянч тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта қуроллантириш, қатор таркибий ислохотларни амалга ошириш ва инвестиция сиёсатини молиявий таъминлашнинг самарали манбаларини шаклланишига олиб келди. Айниқса, ушбу жамғарма инқирозга қарши чоралар дастурида белгиланган чора-тадбирларни самарали ижросини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этмоқда;

- жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг асосий молиявий манбаларидан бири бўлган маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини янада мустаҳкамлаш, уларни дотациядан чиқариш бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида уларнинг барқарорлиги таъминланди;

Давлат бюджети даромадларининг асосий манбаи солиқлар ҳисобланиб, 2015 йилдаги солиқ сиёсатининг энг устивор йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди;

- давлатнинг фискал манфаатларини инобатга олган ҳолда тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини янада камайтириш орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратишга имконият яратилди;

- солиқ маъмурчилиги янада соддалаштирилди ва солиқ қонунчилигининг янада барқарорлигини таъминлаш натижасида солиқ тизимининг шаффофлиги оширилди.

Давлат бюджети даромадларидаги солиқларнинг улуши қуйидаги жадвал маълумотларида келтирилган:

1- жадвал.

Давлат бюджети даромадлари таркиби [1].

Даромадларнинг турлари	2014 йил		2015 йил	
	млрд. сўм	%	млрд. сўм	%
<i>Мақсадли фондларсиз даромадлар жами</i>	10421,3	100	13116,4	100
Шундан:				
1. Бевосита солиқлар	2769,2	26,6	3420,6	26,0
2. Билвосита солиқлар	5162,1	49,6	6973,8	53,3
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	1662,5	15,9	1974,1	15,0
4. Бошқа даромадлар	827,6	7,9	747,8	5,7

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджетига бевосита солиқлардан тушум 2014 йилда 2769,2 млрд.сўмни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда ушбу солиқлардан тушум 3420,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Уларнинг давлат бюджети даромадлари таркибидаги салмоғи 2014 йилда 26,6 фоизни ташкил қилган бўлса, 2015 йилда 26 фоизга туширилди. Бевосита солиқлар тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахслардан тўғридан-тўғри ундириладиган солиқларни ўз ичига олиб, кейинги йилларда ушбу туркум солиқлар бўйича солиқ юкининг пасайтирилиши уларнинг давлат бюджети даромадларидаги ҳиссасини камайишига

олиб келмоқда. Натижада, солиқ сиёсатининг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, солиқдан бўшаган маблағларнинг корхоналар ихтиёрида қолдирилиши уларнинг молиявий барқарорлигини оширилишига олиб келмоқда.

Давлат бюджети даромадлари таркибида билвосита солиқларнинг улуши юқори бўлмоқда. Билвосита солиқларнинг улуши 2014 йилда 49,6 фоиз бўлган бўлса, 2015 йилга келиб уларнинг салмоғи 53,3 фоизга етди. Мазкур туркум даромадлар асосан қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, боғхона боғлари, жисмоний шахслар транспорт воситалари томонидан

ИҚТИСОДИЁТ

бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига солинадиган солиқлар ҳисобига шакллантирилади. Билвосита солиқлар иқтисодий тавсифи бўйича истеъмолдан олинadиган солиқлар ҳисобланиб, ўтиш даври иқтисодиётида давлат бюджети даромадларида асосий салмоқни ташкил қилиши кузатилади.

Давлат бюджети даромадлари таркибида ресурс солиқларининг салмоғи 2014 йилда 15,9 фоизни ташкил қилиб, 2015 йилда келиб 15,0 фоизни ташкил қилди. Кейинги йилларда табиий ресурслардан самарали фойдаланишни солиқлар воситасида тартибга солиш тизими бўйича амалга оширилган ислохотлар натижасида

ресурс солиқларининг давлат бюджетидagi ҳиссаси ортган.

Давлат бюджетининг харажатларига тўхталиб, авваламбор, инфляция даражасининг пасайиши, бюджет ташкилотларида бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш тизимини шакллантириш ҳамда ижтимоий қўллаб-қувватлаш манзиллигини янада ошириш натижасида 2014-2015 йилларда ялпи ички маҳсулотга нисбатан бюджет харажатлари миқдорининг камайиб бораётганлиги кузатилмоқда. Аммо номинал мазмунда (мутлоқ кўрсаткичларида) давлат бюджети харажатларининг ортиб борганлигини кузатишимиз мумкин (2- жадвал).

2- жадвал.

Мақсадли фондларсиз давлат бюджети харажатларининг таркиби [2].

Харажатларнинг турлари		2014 й.		2015 й.	
		Млрд.сўм	%	Млрд.сўм	%
1.	Ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар	6170,9	56,6	8113,0	59,1
2.	Иқтисодиёт харажатлари	1305,8	11,9	1573,2	11,5
3.	Марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштиришга харажатлар	820,0	7,6	825,0	6,1
4.	Давлат ҳокимият органлари, бошқариш ва суд органлари харажатлари	271,9	2,5	351,9	2,5
5.	Фуқороларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари харажатлари	85,0	0,7	118,5	0,8
6.	Вазирлар Маҳкамасининг заҳира фонди	34,2	0,3	54,2	0,3
7.	Бошқа харажатлар	2225,2	20,4	2696,5	19,7
Жами харажатлар		10913,0	100	13732,5	100

Давлат бюджети харажатларининг таркибида ижтимоий-маданий тадбирлар учун харажатлар асосий салмоққа эга бўлмоқда. Хусусан, ушбу харажатлар 2014 йилда 6170,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, жами бюджет даромадларнинг 56,6 фоизни ташкил қилган. 2015 йилда эса ушбу харажатлар 8113,0 млрд. сўмга етиб, жами бюджет харажатларидаги улуши 59,1 фоиз миқдорни ташкил қилган.

Ушбу харажатларнинг таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, кам таъминланган оилаларга нафақалар, шу жумладан, болали оилаларга нафақалар асосий салмоққа эга бўлмоқда.

2014 йилда иш ҳақи ва аҳолининг турмуш даражасини изчил ошириб бориш бўйича чора тадбирлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан 2015 йилгача иш ҳақининг 2,5

баробарга кўпайтириш бўйича белгиланган вазифани ижросини таъминлаш 2014 йилда ҳам давом эттирилди. 2014 бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдори 2,5 баробарга оширилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида республика ҳудудлари бўйича молиявий барқарорлик кўрсаткичлари фаолият юритувчи ҳар қандай хўжалик субъектлари молиявий иқтисодий фаолиятини белгилаб берувчи бош омилларидан бири ишлаб чиқарилган маҳсулот реализацияси, кўрсатилган хизматлар ва бажарилган ишлар бўйича олинган пул тушумлари ҳисобланади. Қуйидаги жадвалда ҳудудлар бўйича корхоналарнинг молиявий кўрсаткичлари берилган:

3- жадвал.

Худудлар бўйича корхона(ташкilotлар)нинг молиявий кўрсаткичлари
(млн.сўмда) [3.41].

Худудлар	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда, зарар (-)	Зарар кўрган корхоналар 2014 йил	
		Корхоналар сони	Зарар миқдори
Ўзбекистон Республикаси	11493617,4	236	1221404,7
Қорақалпоғистон Республикаси	-10130,5	6	62087,8
Вилоятлар:			
Андижон	380164,0	23	30869,7
Бухоро	-91681,5	12	245614,3
Жиззах	18534,0	2	2303,8
Қашқадарё	2152533,3	7	27426,2
Навоий	756298,1	8	7198,2
Наманган	19807,0	15	38133,5
Самарқанд	1340094	12	16310,5
Сурхондарё	118598,1	5	3743,0
Сирдарё	-9823,8	7	57518,2
Тошкент вил.	1116142,3	26	110196,9
Фарғона	3890,4	18	271374,4
Хоразм	52517,8	10	10322,5
Тошкент ш.	6246602,2	84	288182,5

Жадвал маълумотлари таҳлил қилинадиган бўлса, 2014 йилда республикаимиз бўйича корхоналар 11493617,4 млн. сўм миқдорида фойда солиғини тўлагунга қадар фойда билан, шундан 236 та корхона (ташкilotлар) 1221404,7 млн. сўм миқдорида зарар кўриб ишлаган. Тошкент шаҳридаги корхоналар 6246602,2 млн. сўм миқдорида энг кўп фойда билан фаолият юритган, лекин 84 та корхона 288182,5 млн. сўм миқдорида зарар билан йилни якунлаган.

Юқоридаги жадвал асосида худудлар кесимидаги корхона (ташкilot)ларнинг фойда ва зарар билан ишлаш жараёнларини баҳолаб бердик. Қуйида жадвалда эса республика

иқтисодиётининг тармоқлари бўйича корхоналарнинг умумлашган молиявий кўрсаткичлари берилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2014 йилда республикаимиз бўйича корхоналар 11493617,4 млн. сўм миқдорида фойда солиғини тўлагунга қадар фойда билан, шундан 236 та корхона (ташкilotлар) 1221404,7 млн. сўм миқдорида зарар кўриб фаолият юритган. Саноат тармоқларида корхоналар 5160256,0 млн. сўм миқдорида фойда билан фаолият олиб борган, шундан 69 та корхона 855768,0 млн. сўм миқдорида зарар билан йилни якунлаган.

4- жадвал.

Иқтисодиёт асосий тармоқлари бўйича пул маблағларининг тушуми ва уларнинг сарфланиши (млн.сўмда) [4.45].

Худудлар	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда, зарар(-)	Зарар кўрган корхоналар 2014 йил	
		Корхоналар сони	Зарар миқдори
Жами	11493617,4	236	12214004,7
Саноат	5160256,0	69	855768,0
Қишлоқ хўжалиги	21408,8	16	11076,6
Транспорт	4560268,1	60	104508,9
Алоқа	671661,0	6	18615,6
Қурилиш	143747,9	8	6228,7
Савдо ва умумий овқатланиш	929026,7	20	14553,2
Моддий техника таъминоти ва сотиш	22291,3	-	-
Тайёрлов	159,5	-	-
Геология ва ер ости бойликларини қидириш	74252,8	1	158,3
Уй-жой хўжалиги	109,7	1	89,9
Коммунал хўжалиги	-190505,9	40	201394,7
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш	6521,0	2	44,0

Қишлоқ хўжалиги тармоғидаги корхоналар юқоридаги нисбатда 21408,8 млн.сўм миқдоридаги фойда, 11076,6 млн. сўм миқдорида зарар билан, транспорт тармоқларидаги корхоналар 4560268,1 млн. сўм миқдоридаги фойда билан 104508,9 млн. сўм миқдорида зарар билан, алоқа тармоғидаги корхоналар 671661,0 млн.сўм миқдоридаги фойда билан ва 18615,6 млн. сўм миқдорида зарар билан, савдо ва умумий овқатланиш тармоғидаги корхоналар 929026,7 млн.сўм миқдоридаги фойда билан ва 14553,2 млн. сўм миқдорида зарар билан йилни яқунлаган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2011 йилда республикамиз бўйича

иқтисодиётнинг асосий тармоқларига тушган пул маблағлари 90640,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 2012 йилда эса 115700,8 млрд. сўмга ўзгарган. 2013 йилда эса ўсиш кўрсаткичига эга бўлиб, 136588,6 млрд. сўмни ташкил этган ва 2014 йилда юқоридаги йил нисбатида 164153,9 млрд. сўмни ташкил қилган. Юқоридаги жадвал натижасида хулоса қилинадиган бўлса, молиявий барқарорлик негизини ташкил этадиган молиявий кўрсаткичларда асосий тармоқлар бўйича пул маблағларининг тушуми ва уларнинг сарфланиши йиллар кесимида ўсиш кўрсаткичларга эришганлигини кўришимиз мумкин.

6- жадвал.

Иқтисодиёт асосий тармоқлари бўйича пул маблағларининг тушуми ва уларнинг сарфланиши (млн.сўмда) [5.87].

Мақсади	2011	2012	2013	2014
Жами (келиб тушган пул маблағлари)	90640,4	115700,8	136588,6	164153,9
Шу жумладан:				
Операцион фаолиятдан	79093,6	105369,5	124169,5	146876,8
Маҳсулотларни сотишдан тушган тушум	63231,6	82475,5	101720,8	107196,8
Операцион фаолиятнинг бошқа пул тушумлари	15862,0	22894,0	22448,7	39680,1
Инвестицион фаолиятдан	20634,2	969,8	2137,6	1402,2
Молиявий фаолиятдан	8912,6	9361,5	10281,4	15874,8
Кредит ва қарзлар бўйича пул тушумлари	6007,3	7013,0	8395,9	12995,9

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, молиявий кўрсаткичларни баҳолашда иқтисодиёт тармоқлари бўйича молиявий ресурслар, молиявий натижалар ва кўрсаткичларнинг йиллар кесимидаги ўзгариши таҳлил қилинди. Шу сабабли молия тизимини такомиллаштириш жараёнида молиявий ресурслар иқтисодиёт тармоқлари ўртасида тақсимланади ва қайта тақсимланади. Ўз навбатида, бу тақсимлаш

жараёнида молиявий ресурслар нисбатан самарали инвестицияларга йўналтирилади. Турли молия-кредит муассасалари ёрдамида молиявий ресурслар ҳаракати қандай амалга оширса, молия тизими орқали молиявий ресурслар ҳам капитал етказиб берувчилардан (инвестордан) капитал истеъмол қилувчиларга турли молиявий инструментлар воситасида тўғридан-тўғри ҳаракатланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. "Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида". – Т., 1999.
2. Шодмонов Ш.Ш., Набиев Э.Ф. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. – Т., 2007.
3. А.В.Ваҳобов, Т.С.Маликов. Молия, – Т.: Шарқ, 2010.
4. Бекмуродов А.Ш., Фафуров У.В. Ўзбекистонда иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш: натижалар ва устивор йўналишлар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2007.
5. Ўзбекистон Республикаси статистик маълумотлари. Ўзбекистон молияси. – Т., 2014.

(Тақризчи: М.Адҳамов, иқтисод фанлари доктори, профессор).